АКС-САДО

# АДОЛАТ БУЗИЛМАСИН

Маълумки, ҳар бир халқ ўзининг тарихий тараққиётида ўз турмуш тарзига мос ва хос қадриятларини яратган, улардан ижтимоий ҳаётни уюштириш, бошқариш, баҳолашда кенг фойдаланган. Шулардан бири халқнинг хоҳ кичик, хоҳ катта даражада бўлсин, ўз раҳбарига ишонч қадриятидир.

Шарқда азалдан бошлиққа Худога ишонгандек ишониш анъана бўлиб келган. Нафақат иш жараёни, балки уй-рўзғор ишлари, тўю тантаналарни, ўз шахсига алоқадор ишларини ҳам улар билан бамаслаҳат амалга оширишни ўзига хос одоб, деб билишади. Чунки тарихий тажриба халқ билан раҳбар ўртасидаги ишончга асосланган муқаддас адолат тарозисини шакллантирган. Ўз адолатлилиги билангина раҳбар одамларнинг қонига, онги-вужудига кириб бора олганлар. Адолатли раҳбаргина табиати, онги, идроки, журъати хилма-хил бўлган минглаб, миллионлаб кишиларни ҳар қандай мураккаб шароитда бир ёқадан бош чиқариб мураккаб вазифаларни ҳал қилишга сафарбар эта олган.

Юртбошимиз халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгашининг сессиясида сўзлаган нутқларида айтганларидек, «жамиятда раҳбарнинг ўрни бениҳоя муҳим. Халқни эзгу ниятлар билан ўзига эргаштира олган раҳбар ҳамиша одамларнинг ҳурмат-эътиборида бўлади. Одамларни бир-бирига суяниб, таяниб, бирбирларини тушуниб, муаммоларни биргалашиб бартараф этишга даъват қилиш ҳақиқий раҳбарнинг ноёб фазилати ҳисобланади».

Агар раҳбарликнинг энг буюк мезони бўлган адолат тарозиси бузилса-чи? Раҳбар кибру ҳаво, ўзига бино қўйиш, ман-манлик касалига мубтало бўлган бўлса-чи? Унинг фаолиятида маҳаллийчилик уруғаймоғчилик, шахсий садоқатга қараб лавозимга қўйиш кундалик ҳодисага айланиб қолган бўлса-чи? Бу дард бир-бирига боғланиб кетган иқтисодий, ижтимоий, маънавий, керак бўлса, сиёсий қийинчиликларга, соғлом муҳитнинг бузилишига, аҳолининг раҳбар ва жамиятга бўлган ишончининг йўқолишига, ҳокимиятнинг обрўсизланишига олиб келувчи оғир ва юқумли ижтимоий касалликдир.

Ахир, яқин йилларда Қашқадарё ўзининг серунум тупроғида етиштирган бой пахта, ғалла ҳосили билан республикамизда донг таратган вилоятлардан бири эди-ку? Наҳотки, бугунги кунда мавжуд хўжаликларнинг 15 фоизи ҳар бир гектар ердан атиги 5-15 центнердан пахта ҳосилини олиш даражасига, суғориладиган майдонлардаги ғалладан эса айрим туманларда атиги 18-19 центнердан ҳосил олиш даражасига тушиб қолган бўлса?

Яна бир мулоҳаза. Президентимиз ишлаб чиққан мамлакат тараққиёти моделининг устувор йўналишини аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ташкил этса, бу йўналишнинг мамлакатда амалга оширилиши бир қатор Ҳамдўстлик мамлакатлари учун намуна бўлаётган бўлса-да, вилоятда болаларга бериладиган нафақа ойлаб берилмаса? Бунинг сабабини мутасадди раҳбарларнинг ўз вазифасига, халқнинг тақдирига бефарқлигидан ахтариш ўрнига бозор муносабатларига ўтиш даврининг қийинчиликларидан ахтариш тўғри бўлмаса керак.

Бозор муносабатлари, биринчи галда, мулкдорлар, раҳбарлар жавобгарлигининг мутлақ ортишини ифода этадиган тушунча. У лоқайд, фақат ўзини, қариндош-уруғини ўйлайдиган раҳбарларни ўзига сиғиштира олмайди. Албатта, катта-кичик лавозимларга раҳбарлар тайинлашда холисона қараш ўрнига таниш-билишчилик, уруғчилик, ошна-оғайничилик, маҳаллийчилик каби иллатлар ҳукмронлик қилса, «шўрлик» бозор муносабатлари бу ерда нима ҳам қила олар эди?

Ўтиш даврида бош ислоҳотчи давлат бўлар экан, Давлатнинг, халқнинг раҳбарларга бўлган талаби бениҳоя юқоридир. Иккинчи томондан, мамлакатда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар, тизилмавий ўзгаришлар янги типдаги ва янги тафаккур, қарашдаги раҳбарларни талаб қилмоқда.

Албатта, раҳбарлик бир кунда ёки бир йилда шаклланадиган сифат эмас. У узоқ йиллар, тажрибалар, изланиш, ўқиш, ўрганишлар маҳсули. Аммо раҳбарлик учун зарур бўлган бир қатор сифатлар унда раҳбар бўлгунига қадар мавжуд бўлиши керак. Уларнинг биринчиси инсонни қадрлаш, улар билан одилона муносабатда бўлишдир. Бу сифат раҳбарларда туғма, табиий бўлмоғи лозим. Агар бу сифат табиий бўлмаса, уни қандай ясамаликлар билан кўрсатмасин, бари ўйин эканлиги кўриниб қолади. Халқдан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди. Халқ шундай кузатувчи, танқидчики, у баҳони ҳеч қанақа насиясиз, бировларнинг кўрсатмасисиз ўз вақтида, ўз даражасида ва бешафқат беради.

Бизнинг назаримизда, раҳбар учун табиий бўлиши керак бўлган иккинчи сифат ростлик, очиқлик, адолатлиликдир. Мазкур сифатлар халқ учун шунчалик қадрлики, унинг арзимаган даражада бузилиши раҳбар қадрини тушириб юбориши мумкин. Халқ шу сифатнинг даражасига кўра, ё раҳбарни улуғлайди, ёки қўйинг, фойдаси йўқ, деб ундан қўл силтайди. Раҳбар билан халқ орасидаги муносабат халқ билан ҳукумат, халқ билан давлат ўртасидаги муносабатнинг ўзига хос аниқ кўринишидир. Ушбу муносабатга кўра, мамлакатда маънавий-руҳий, сиёсий-ахлоқий муҳит шаклланади.

Юртбошимизнинг бу ҳақда куйиниб гапиришлари, у кишининг шахсий намуналари мамлакат раҳбарлари учун бир университет эмасми? У кишининг мамлакат ҳаётида содир бўлаётган хоҳ кичик, хоҳ катта бўлсин, барча масалалардан хабардорлиги ва уларни мутлақ кечиктирмасдан ҳал қилишлари, наҳотки раҳбарларимиз учун ибрат дастури бўлмаса?! Халқимиз минг марта эшитгандан кўра бир марта кўрган афзалдир, деб бекорга айтмаганлар. Кўлами, даражасига қарамасдан биз, раҳбарлар юртбошимизнинг бошқарув санъатларини ҳар куни, ҳар доим изчил ўрганмоғимиз керак. У кишига хос бўлган халқни, оддий инсонни бутун қалб кўри билан эъзозлашини, кучини, ғайратини халқига, юртига бахшида қилишни кундалик фаолиятимизнинг дастуруламали деб билмоғимиз лозим.

**М. ШАРИФХЎЖАЕВ,**
**Тошкент Молия институти ректори.**

## ҚЎРИҚ ВОҲАДА ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

Бугунги кунда Гулистоннинг қиёфаси номига монанд яшнамоқда. Бунга замонавий асосга эга бўлган саноат корхоналари ҳам жуда мос тушмоқда. Бу ерда икки кун давом этган «Замонавий технология ва жиҳозлар» мавзусидаги халқаро кўргазма-семинар ҳам ушбу мақсадга ярашиқли бўлиб тушди. Унда Европа Тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё Тараққиёт банки, Ўзбекистон Миллий банки, Республика банклар ассоциацияси, «Асакабанк», «Ўзбеклизинг интернейшнл», Марказий Осиё — Америка тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фонди ходимлари, АҚШ, Буюк Британия, Италия, Германия, Франция элчихоналари вакиллари иштирок этди.

Кўргазма-семинарда намойиш этилган замонавий технология ва жиҳозларнинг деярли тўқсон фоизи Сирдарё вилояти учун жуда зарур ҳисобланади. Булар озиқ-овқат, тўқимачилик, қурилиш маҳсулотлари ва буюмлари ишлаб чиқарадиган, уларни қайта ишлайдиган, маҳсулотлар учун идишлар тайёрлайдиган машина-механизмлар, кичик ва ўрта бизнес учун технологиялар, ҳуқуқий ва амалий хизмат тизимидир.

Халқаро кўргазма-семинар иштирокчиларини вилоят ҳокими Ў. Исмоилов табриклаб, уларга воҳа имкониятлари ва эҳтиёжлари ҳақида гапириб берди.

**А. ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Эшитдингизми?




## ЎЗБЕКИСТОН САМОЛЁТИ — ХАЛҚАРО ЯРМАРКАДА

«Жаҳон» Ахборот агентлигии мухбири Шуҳрат Ёқубов Бонндан ҳабар қилишича, Берлин шаҳрининг Шенефельд аэропортида бўлиб ўтган «ILA — 98» ҳаво ва космик техникага бағишланган халқаро ярмаркада Ўзбекистон авиасозларининг маҳсулоти ҳам намойиш этилган.

Германиянинг бу аэрокосмик ярмаркаси жаҳондаги шундай ярмаркалар орасида энг «кекса»ларидан бири бўлиб, у ўз фаолиятини бундан 98 йил олдин бошлаган. 1992 йилдан бошлаб бу ерда ҳар йили 2 марта жаҳон самолётсозлиги, вертолётсозлиги, космик техника ва илғор аэрокосмик технология ютуқлари кўргазма қилинади.

Яқинда ана шу улкан ярмаркада Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси Россиянинг «Ильюшин» акциядорлик жамияти бирлашмаси билан ҳамкорликда тайёрлаган Ил-76 МФ транспорт самолёти ҳам намойиш этилди.

«Месса Берлин» газетаси бу тўғрида: **«Оврупо, Шимолий Америка, шунингдек Шарқий Оврупадаги энг таниқли корхоналар билан бир қаторда биринчи марта Ўзбекистон Республикаси ҳам иштирок этди»** деб ёзди. Ўзбекистон, Украина ва Россия авиакорхоналари ҳамкорлигида дунёга келган АН-70 гиганти ҳам экспертлар ва матбуот саҳифаларида ижобий баҳолар олди. Масалан, «Русская Германия» газетасида бу самолёт **«дунёнинг мураккаб авиабозорида бемалол рақобатга кириша олади»** деб таърифланади.

## ГЕМАТОГИН ЎЗИМИЗДА ЧИҚАРИЛАДИ



Буни алоҳида таъкидлаш керакми? Албатта! Сабаби — ушбу қимматбаҳо шифобахш — озуқавий дорининг таркибида болаларимиз организмининг ривожланиши учун зарур бўлган альпумин моддаси бор. Дори, шунингдек, камқонлилик касалини даволашда ҳам жуда асқотади. Мазкур дори шу пайтгача юртимизга Россия ва Белоруссиядан келтирилар эди.

Гематогинни Янгийўл шаҳридаги «Зукко» хусусий корхонаси чиқара бошлади. Уни ишлаб чиқаришда озиқ-овқат саноатида чорак асрдан буён меҳнат қилиб, катта тажриба орттирган эр-хотин Содиқовлар оиласи ташаббус кўрсатдилар.

«Зукко» Марказий Осиё ҳудудида гематогин ишлаб чиқарадиган ягона корхонадир. Бу ердаги гематогин худди шундай чет эл дориларига нисбатан бир неча баробар арзон нархда сотилмоқда.

**(Хабарларни жаҳон ахборот воситалари материаллари асосида М. САФАРОВ тайёрлади).**

«ХАЛҚ СЎЗИ» ФУҚАРОЛАР ХИЗМАТИДА

## ЁРДАМ БЕРСАНГИЗЛАР

Тошкент давлат техника университетини битирганман, инженер мутахассислигим бор. Лекин ҳозир шундай вазият юз бердики, ўзимга лойиқ иш топа олмаяпман. Учрашган жойларимдан битта жавоб эшитаман: бизда қисқартириш кетаяпти.

Навоий шаҳрида катта-катта саноат корхоналари бор. Наҳотки, менга шундай жойда иш топилмаса? Тўрт нафар фарзандим бор. Бу ёғини ўзларингиз тушуниб олсаларингиз керак. Мен учун жумбоқ бўлиб қолган ушбу муаммони ечишда ёрдам берсангизлар.

**Эргаш СОБИРОВ,**
**Навоий шаҳридаги Ғалаба шоҳкўчасининг 145-уй, 44-хонадони.**



## ЭРГАШЖОН ИШЛАЯПТИ

Фуқаро Э. Собиров ҳақиқатдан ҳам шу йилнинг март ойида меҳнат биржасига мурожаат қилиб, корхоналардан бирига ишга жойлаштиришни илтимос қилган. У ердан «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасига суҳбатдан ўтиш учун йўлланма берилган. Афсуски, унинг омади чопмади — ишга қабул этилмади. Шундан сўнг Э. Собиров меҳнат биржасига қайта мурожаат этмаган.

Шу йилнинг май ойида унга «Электркимё» заводига йўлланма берилди. Бу сафар суҳбатдан ўтди. Ҳозирги кунда мазкур корхонанинг электр таъминоти цехида муҳандис-электрлик лавозимида ишлаяпти.

**Б. ҲАМДАМОВ,**
**Навоий шаҳар ҳокими.**

## ДАЛАЛАРГА СОЧИЛГАН НАСИБА



**Эл дастурхони тўкинлигини таъминлашга ҳисса қўшиш Бўстонлиқ туманидаги Бекежон Турсунбоев раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги аъзоларининг асосий мақсадларидир.**

**Миришкорлар ўзларига бириктилган майдонда ғалладан ташқари карам, помидор, ошқовоқ ва бошқа сабзавот маҳсулотлари етиштираётирлар. Айни пайтда фермер хўжалиги далаларини кезсангиз, соҳибкорлар меҳнати маҳсулидан кўзингиз қувонади.**

**Сураткаш мухбиримиз В. Портнов олган ушбу суратларда ҳосилга тўла далалар тасвирланган; фермер хўжалиги раҳбари Бекежон Турсунбоев хўжалик аъзолари ака-сингиллар Анорали, Эргали, Жонгелди ва Гавҳарлар билан карам ҳосилини йиғиштириб олаётган пайт.**



## ОДДИЙ БАРГ

**етти кило картошка бериши мумкин, дейди олтинкўллик миришкор Набижон ота Ҳасанов**

Батат картошкаси ва ундан мўл ҳосил олишда ўзига хос мактаб яратган Набижон ота ихчамгина томорқасида ғаройиб тажриба ўтказди. Шу кунга қадар у картошка поясини қаламча қилиш йўли билан ҳар уяда 25 килограммга қадар тош босадиган маҳсулот етиштирар эди. Тажрибалардан маълум бўлдики, картошка барги уч-тўрт кун сув идишга солиб қўйилса у ҳам томир отар экан. Кейин уни бемалол тупроққа кўчириш мумкин.

— Август ойида қилинган қаламча ҳар донаси 0,5 килограмм вазндаги картошка бериши мумкин. Барги ҳам шундай, — дейди миришкор. Буғдойдан бўшаган майдонларнинг бир қисмига Батат картошкасининг поясидан қаламча, баргидан кўчат ўтқазилса айни муддао бўлар эди.

Олтинкўл туманидаги «Намуна» жамоа хўжалиги ўрамида истиқомат қилувчи Набижон отанинг тажрибаси картошка етиштирувчилар учун ғоят қўл келса, ажабмас.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҲОКИМ БУВА, АРЗИМ БОР...

дейиш билан ҳамма муаммо бирданига ҳал бўлиб қоладими? Йўқ, албатта. Сабаби шундаки, баъзи кишилар қайси масала юзасидан кимга мурожаат қилишни билмайди. Оқибатда эса... Баъзан муаммо ечилмай, муаллақ бўлиб қолади.

... Шанба куни Қизириқ тумани ҳокими Йўлдош Шойматовнинг қабулига Эргаш Хўжақулов деган бир оқсоқол кириб келди.

Ўғиллари учун томорқа сўради.

Хўш, фарзандларининг ўзи қаерда? Томорқа керак бўлса, нега ўзлари келмайди?

Қабулга келган Улжамол Ботирова эса шундай арз қилди.

— Турмуш ўртоғим 1996 йилдан буён маош олмаган. Шунга...

— Нега бу ҳақда судга бормадингиз?

— Билмасам...

Шу тарзда ҳар ким ўз дарди билан ҳокимга мурожаат қиларди.

Қизиқ, нима учун ҳар бир фуқаро ҳуқуқи доирасида раҳбарларга мурожаат этиш маданиятини эгаллаб ололмаяпти? Ёки бу масалаларни тегишли суд идорасига айтса ҳал бўлишига кўзи етмаяптимикин?

Йўқ, аксинча, бу ишлар судга тааллуқли эканлигини яхши билишмасди.

Яна бир кексароқ киши кирди.

— Мен Эргашев Чори бўламан, «Гиламбоп» номли деҳқон-фермерлар уюшмасида яшайман, иш ҳақимни беришмаяпти, — деди у.

— Душанба куни келинг, аризангизни судга беришади.

Ҳоким яна қўшимча қилди: — Айримларга ариза ёзиш роҳат бахш этса керак.

— Мен Қизларбас Раҳматова бўламан. Ўғлим билан қайним «Шабада» бозорчасида жанжаллашиб қолишди.

— Бу масалада бизга эмас, тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага борганингиз маъқул эди.

Ҳар бир фуқаро ариза ёки шикоят ёзишдан олдин ҳамма нарсани тарозига солиб, ўлчаб кўргани дуруст. Аксинча, беҳудага югуриб вақт ўтказади ёки умуман арзи ҳал бўлмайди. Ўринсиз ранжийди.

«Кунчиқиш» жамоа хўжалигидан 6 киши кириб келди.

— Ҳоким бобо, арзимиз бор, — деди ўзини Эргаш Маматалиев дея таништирган одам.

— Марҳамат.

— Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ҳусан Назаров 4-5 кишига томорқа ўлчаб берган эди. Аммо Соат полвон деган одам бизнинг еримизни тортиб олди.

— Майли, ҳал қиламиз.

— Яна шунисиям борки, у ерда беш-олти одам ўзи Термизда яшасаям таниш-билишчилик қилиб томорқа олган, прописка да туришмаса-да...

Тан олиш керак, бу фуқаролар шу муаммоларни кўтариб ҳокимга келиб тўғри қилишган. Ахир, маҳалла қўмиталари ёки қишлоқ фуқаролар йиғини ҳал қилолмаган масалаларга туман ҳокимлиги аралашса фойдадан холи эмас. Эҳтимол, ишга совуққонлик билан қараганлиги учун тегишли кишилар тартибга чақирилар.

Бироқ доим ҳам шундай бўлмаётирда. Баъзан бир гуруҳ кишилар ўзлари ишлайдиган идорадаги қонунбузарликлар тўғрисида нима учундир ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга эмас, айнан яна ҳокимликка шикоят кўтариб келишни афзал кўрадилар. Нима сабабдан? Эҳтимол, маъмурий идоралар раҳбарлари аризаларни кўриб, текшириб чиқишни пайсалга солишар? Йўқ, ундай эмас. Гап шундаки, кўпчилик қонун бузилишларига доир далил ва воқеаларни таҳлил қилишга ҳам катта бошлиқларнинг — туман ва вилоят раҳбарларининг эътиборини жалб этишни маъқулроқ деб билишади. Чунки азалдан, ҳатто қизил империя давридаям шунга ўрганиб қолишган. Сабаби шундаки, ташкилот бошлиғи айб қилдими, дарров мажлисда муҳокама этилиб, партия сафидан ўчирилар, қатъий жазо берилар эди.

### ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК МУАММОЛАРИ

Мабодо, шу масала — қонун бузилганлигига доир фактлар прокурорга ёки суд раиси олдига кўндаланг қилиб қўйилса-чи? Гапнинг очиғи, аксарият ҳолларда бундай йўл тутишмайди. Чунки шу бошикети йўқ айблар учун бировларни жабрлашдан ҳам тоймайдилар. Демак, айримлар қонунлардаги ўз ҳуқуқларини билмагани учун эмас, атайлаб суд ёки ички ишлар идораларини четлаб ўтишга ўрганиб қолишган. Масалан, туман ҳокимлигига ёзилган аризада газлаштириш ташкилотидаги қонунбузарликлар ҳақида шикоят қилишган. Нега прокурорга ёки судга эмас? Ҳайрон қоласан, киши.

Ҳ. Эшонов номли хўжаликнинг 2-участкасида яшовчи одамлар хўжалик раҳбарлари устидан арз билан ҳокимга мурожаат қилдилар. 12 киши нафақа ўрнига ун беришганлиги, лекин ҳар халтадаги ун 5 килограммдан кам чиққанлиги тўғрисида ёзишган.

Сир эмаски, ҳар бир фуқаро у ёки бу ташкилотга не-не умидлар билан арз қилади. Агар туман ҳокимлиги унинг аризасида кўтарилган масалаларни ҳал қилиб берса, вилоят ёки республика ташкилотлари раҳбарларига қайта шикоят ёзиб юришга ҳожат қолмайди. Буни англаган туман ҳокимлиги раҳбарлари қўйилган муаммоларни тезда, ижобий ҳал қилишга интилишяпти. Юқорида таъкидланган кишиларнинг аризаси текшириб чиқилди. Тасдиқланди. Шундан сўнг туман мутлубот жамиятидаги мутасадди кишиларга чора кўрилди. Халталардаги ун кам чиққанлиги сабабли арз қилган кишиларнинг ҳар бирига 150 сўмдан қайтариб берилди.

Буни қарангки, «Кунчиқиш» жамоа хўжалигининг 5-участкасида яшовчи Б. Омонов 7-мактаб ўқитувчиси Янгибой Бўриев устидан туман ҳокимига шикоят қилди. Аммо нега туман халқ таълими бўлимига эмас, ҳокимга?

Қизириқ туманидаги, умуман вилоятдаги айрим кишилар тегишли ташкилот бошлиқларига деярли мурожаат қилишмайди. Бирданига вилоят ёки туман раҳбарларига ариза кўтариб боришади. Сабаби аниқ. Ташкилотдагилар аризани кўпинча наридан-бери, юзаки кўриб чиқадилар, ташлаб қўядилар.

Акс ҳолда, Ҳ. Эшонов номли хўжаликда яшовчи 6 одам туман ёки вилоят ташкилотларига эмас, ҳатто Ўзбекистон Телевидениеси ва радио эшиттириш компаниясига арз қилишмаган бўлар эди. Уларнинг шикояти шундан иборат: 1-2 ва 5-участкаларда ичимлик суви ва табиий газ йўқ.

Қизиқ, телевидение шунга ўхшаш кўпдан-кўп муаммолар билан шуғулланишга имкон топа оладими? Шунинг учун ҳам шикоят хати яна туман ҳокимлигига қайтиб келганлиги табиийдек туюлди менга.

Лекин туман ҳокими катта ваколатта эга, деган фикрда доимо барча муаммоларни унга тиқиштираверишинсофдан эмас.

Юқоридагидек тушунмовчиликлар нимадан келиб чиқаётир? Ҳаммасига сабаб ҳар бир фуқаро мурожаат қилиш ҳуқуқини унчалик англаб етмаганлигидан, қайси масала юзасидан қаерга арз қилишни билолмай, иккиланиб қолаётганлигидандир. Шунинг учун Сурхондарёдан юзлаб кишилар кўп ҳолларда республика пойтахтидаги кўпдан-кўп нуфузли идоралар ходимларининг вақтини беҳудага ўғирлашаётганлиги сир эмас.

Қизириқ туман ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар раҳбарлари Рўзибой Иброҳимов, Ойимжон Ёқубова, Мамадали Тўраев бу аҳволни ўнглашга бел боғладилар. Улар навбати билан турли хўжалик, ташкилотларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари хусусида суҳбатлар уюштиришяпти. Вилоятдаги бир қатор жамоат ташкилотлари ва ўқув юртлари раҳбарлари «Сиз қонунни биласизми?» мавзуида мазмунли кечалар, учрашувлар, кўрик-танловлар ўтказмоқдалар.

Табиийки, натижа ёмон эмас. Кейинги пайтда кўпчилик туманларда меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятлари бироз камайгандек. Энг муҳими, улар ҳар қандай масала юзасидан фақат туман ҳокимига мурожаат қилиш одатидан воз кечишяпти. Эндиликда фуқаролар бошқарув органларига эмас, балки прокурорга, судга, ички ишлар бўлими бошлиғига ёки маҳалла қўмитаси раисига арз қилиб ҳам муаммони тез ҳал этиш мумкин эканлигини амалда кўриб туришибди.

Демак, одамларда ҳуқуқий маданият шаклланa бошлаяпти.

**Жовли ХУШБОҚОВ,**
**Сурхондарё вилояти.**

# ҲИНД ОЛИМИ АЛ-БУХОРИЙ ҲАҚИДА

Ҳадис илмининг султони, буюк ватандошимиз Имом ал-Бухорийнинг жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг саҳийҳ (ишончли, тўғри) ҳадисларини ўзида мужассам қилган «Ал-Жомеъ ас-Саҳийҳ» («Ишончли тўплам», бу асар кўпинча «Саҳийҳ ал-Бухорий» деб аталади) номли асари жумлаи жаҳонда машҳур бўлган ноёб ёдгорликдир. Бу мўътабар асар ҳақли равишда ислом дини таълимотида Оллоҳнинг каломи Қуръони каримдан кейинги асосий манбаъ ҳисобланади.

Иймон-эътиқод, инсоф-диёнат, адолату маърифат, меҳнатсеварлик ва ватанпарварлик ғоялари, бир сўз билан айтганда, инсоний фазилатлар мажмуасидан иборат бўлган бу мўътабар асар, мана, қарийб 12 асрки, бутун башарият қалбини мунаввар қилиб, рушду ҳидоят сари чорлаб келмоқда.

Шу боисдан ҳам «Саҳийҳ ал-Бухорий» дунёнинг кўп тилларига таржима қилиниб, унга 100дан ортиқ шаҳарлар ёзилган. Имом ал-Бухорий «Саҳийҳ»дан бошқа илм-фаннинг турли соҳаларига оид 20 дан ортиқ асарлар яратиб кетганлигини эътиборга олинса, буюк аллома биз, авлодларга бой маънавий мерос қолдирганлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Мустақиллигимиз Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти ва илмий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганишга асос солганлигини мамнуният билан қайд этиш лозим. Чунончи, унинг шоҳ асари «Ал-Жомеъ ас-Саҳийҳ» олиму уламоларимиз томонидан тўлиғича (тўрт жилдда) ўзбек тилига таржима қилиниб, Тошкентда икки марта нашр қилинди. Алломанинг «ал-Адаб ал-муфрад» («Одоб дурдоналари») номли пайғамбаримизнинг одоб-аҳлоққа доир ҳадисларига бағишланган бошқа бир асари араб тилидан таржима қилиниб чоп этилиши ҳам маънавий ҳаётимизда катта воқеа бўлган эди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 29 апрелдаги 217-сонли қарорига биноан, 1998 йил октябрь ойида Имом ал-Бухорий ҳазратлари таваллудининг 1225 йиллиги жаҳон миқёсида кенг кўламда нишонланади. Ушбу тарихий қарор алломанинг ҳаёти ва ижодиётини чуқур ўрганиб, унинг бой илмий меросининг мазмуни ва моҳиятини тўлиқ англашимизда янги босқичга асос солди, десак муболаға бўлмайди. Бинобарин, бу ўта муҳим қарордан келиб чиқиб ҳадис илмининг султони, барча муҳаддисларнинг пешвоси, бутун дунёнинг имоми, деган шарафли номларга сазовор бўлган беназир инсон, буюк ватандошимизнинг ибратларга тўлиқ ҳаёти, фавқулодда кучли қобилияти, афсонавор қувваи ҳофизаси ва илмий салоҳияти, жамият ва башарият камолоти йўлида яратилган бетакрор маърифий-маънавий мероси ҳақида асарлар яратиш олимларимиз учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Мана шу олижаноб ақидага амал қилган ҳолда, буюк ватандошимизнинг таваллуд тўйи олдидан ҳиндистонлик олим аш-Шайх Абдуссалом ал-Муборакфурий қаламига мансуб «Сийрат ал-имом ал-Бухорий» («Имом ал-Бухорийнинг ҳаёт йўллари») номли асар араб тилидан ўзбекчага ўгирилиб, нашрга тайёрланаётир. Мавриди келганда айтиш керакки, хорижда имом ал-Бухорий ҳазратларининг ҳаёти ва ижодига бағишланган юзлаб китоб ва рисолалар ёзилган. Лекин шу кўп сонли китоблар ичида аллома ал-Муборакфурийнинг буюк ватандошимизга бағишланган ушбу таснифи алоҳида аҳамиятга эга бўлган қимматли манбадир. 160 дан ортиқ ёзма манбаларга таяниб ёзилган бу қимматли китоб буюк муҳаддис ҳақидаги ўзига хос мукаммал бир қомусий асар десак, айни ҳақиқат бўлади. Чунончи, муаллиф ушбу ёзма манбалардан Имом ал-Бухорий ҳақида келтирилган хилма-хил ва нодир маълумотларни ғоятда синчковлик билан йиғиб, уларни ҳар томонлама қиёсий ва илмий равишда чуқур ўргангандан




сўнггина ўз фикрини ифода қилган.

Асарда келтирилган маълумотларнинг илмий ҳалоллик ва холис нуқтаи назардан туриб ёритилишини сезиш билан бирга, айни вақтда, уларда муаллифнинг Имом ал-Бухорийга нисбатан камоли эҳтиром, унинг буюклигига таъзим ва,



энг муҳими, самимий муносабатини ҳам илғаш мумкин.

Ўрни келганда, муаллиф ва унинг асари ҳақида қисқача маълумот бериш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Ҳиндистоннинг минглаб қишлоқларидан бири бўлган Муборакфур азалдан илм-фаннинг турли соҳалари бўйича кўплаб машҳур олимлар таваллуд топган қишлоқ сифатида донг чиқарган. Мана шу хосиятли қишлоқда 1289 ҳижрий (1870 мелодий) санада зиёли ва маърифатли бир хонадонда Абдуссалом таваллуд топади ва шу сабабдан ал-Муборакфурий тахаллусини олади. У диний ва дунёвий илмлар бўйича дастлабки билимини ҳам қишлоқдаги кўплаб ўз даврининг таниқли олимларидан олиб, мукаммал маълумотга эга бўлган, узоқ йиллар давомида ўзи ҳам мадрасаларда илм толибларига сабоқ беради. Умрининг охирги йилларида Деҳлидаги Дор ал-ҳадийс ар-Раҳмонийа номли машҳур мадрасада мударрислик қилиб, унинг раҳбарлиги остида ушбу мадрасадан бирталай етук олимлар ҳам етишиб чиқади. Аш-шайх Абдуссалом ал-Муборакфурий мадрасаларда дарс бериш билан бирга ислом динининг турли масалалари бўйича чуқур илмий тадқиқотлар олиб бориб, бир қанча қимматли рисола ва асарлар ҳам яратади. Алломанинг қаламига мансуб «Сийрат ал-имом ал-Бухорий» мана шу асарлардан биридир. Имом ал-Бухорий ҳазратларининг ҳадис илми ривожидаги улкан ҳиссаси мана шу асарда тўлиқ ифодасини топганлиги ҳам муаллифнинг ўз асарига нақадар катта масъулият билан ёндошганлигини кўрсатади. Шу боисдан ҳам аксарият олимларнинг фикрича, аллома ал-Муборакфурийнинг асари Имом ал-Бухорий ва унинг «Саҳийҳ»и ҳақидаги энг қимматли тадқиқотлардан бири сифатида юксак баҳоланиб келади. Асарнинг қайта-қайта бир неча марта нашр этилиши ҳам унга бўлган қизиқишнинг катталигидан далолатдир.

Чунончи, «Сийрат»нинг дастлабки нашри 1329 ҳижрий (1908 мелодий) йили ҳали муаллиф ҳаёт пайтида (у 1924 йили вафот этган) нашр этилган. Шундан кейин 1946-1985 йиллар мобайнида асарнинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи нашрлари чоп этилади ва ушбу нашрларнинг ҳаммаси китоб асли таълиф этилган урду тилида амалга оширилган. Салафия университетини битириб, ҳадис илми бўйича чуқур билимга эга бўлган бир илм толиби бу асарнинг нақадар қимматлилигини билиб, уни араб тилига таржима қилади. Салафия университети ушбу араб тилидаги асарни нашр этиб, тарқатишни ўз зиммасига олади. Оллоҳ йўлида қилинган бу маърифий, хайрли ишни амалга оширган таржимон нашрда ҳатто ўз исмини кўрсатишни ҳам ўзига лозим кўрмаган. Таржима тугагандан кейин университет бир мударрисига асарнинг арабча таржимасини урдуча асли билан муқобола қилишни топширади. Мана шу жараёнда университет раҳнамолигида асарнинг инглиз тилига таржимаси ҳам ташкил қилиниб, уни устоз Муҳаммад Рафиқхон амалга оширади. Бу таржима ҳам Салафийа университети томонидан 1984 йилда нашрдан чиқарилган.

Аллома ал-Муборакфурий бир неча йирик асарлар яратган машҳур аллома бўлибгина қолмай, балки Ҳиндистондек ажойиботу ғаройиботга тўлиқ бепоён мамлакатнинг турли томонларидаги мусулмонлар ўртасида ислом дини таълимотларини тўғри талқин қилиб ва тушунтириб, ҳар қандай бидъат ва хурофотлардан холи бўлган соғлом диний эътиқодни тарғиб қилишда ҳам жонбозлик кўрсатган олимларнинг сардори эди. Қуръони карим ва Пайғамбар алайҳиссалом суннатларига амал қилиб, ҳидоят йўлларига даъват қилишдек олижаноб иш алломa илмий-амалий фаолиятининг асосий йўналиши бўлган эди.

Муборак дини ислом ғояларига умр бўйи оғишмай садоқат билан хизмат қилган, айниқса буюк ватандошимиз Имом ал-Бухорий ҳазратларининг ибратли ҳаёт йўллари ҳақида тенги йўқ қимматли асар яратиб кетган аллома аш-Шайх Абдуссалом ал-Муборакфурийга Аллоҳ ўз раҳматию мағфиратини бениҳоя қилсин!

**Убайдулла УВАТОВ,**
**Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари.**

Анвар ОБИДЖОН

# ИШҚНИНГ ЎЗИ ЯРИМ ҲАНГОМА

### ҚАРИ БЎЙДОҚ

Дилга ғашлик сиртмоқ солган чоқ,
Ҳар ким айтди турли насиҳат.
Онам деди: «Сайр қип тур гоҳ,
Пулни камроқ ишлатгин фақат».
Дўстлар мени кўрмоқ-чун шодон,
Бир аскияя қилсак, дедилар.
Мен ёлғондан жилмайганим он,
Улар чиндан қувноқ эдилар.
Кўпчиликдан қолмай деб четда,
Бир ароқхўр айтди зўр ўгит:
«Ғолиб келай десанг сукутдан,
Улфат билан бўлиб ич, йигит...»
Азизларим,
Касалим ёмон,
Беҳуда меҳр сочманг кўзлардан.
Бўлиб бир бор донишманд инсон,
Сўйланг боши очиқ қизлардан.

### САРГУЗАШТЛАР ДОРИЛФУНУНИ

Зўр мактабдир севгининг ўзи,
Ишқнинг ўзи ярим ҳангома.
Бас, қизга зор боқдими кўзи,
Йигит энди салкам аллома!



### ТУҒРУҚХОНАДА

*Ётар учта чақалоқ:*
*Бири мағрур, бақалоқ,*
*Бири йиғлоқ нақ*
*чумчуқ,*
*Бири юввош ва пучуқ.*
*Худо паноҳ берсину*
*Улғайса шу бақалоқ.*
*Мансабига эр бўлар,*
*Хотинига — акароқ.*
*Турволса бас оёққа*
*Йиғлоқиси, ишқилиб,*
*Беш ёшдаёқ беш қизга*
*Изҳор этар ишқини.*
*Пучуқ эса бир умр*
*Тинч ишларга жойланар.*
*Юриб-юриб, укаси —*
*Топган қизга уйланар...*

### БРАВО, АСАЛАРИ!

*Ел бутоқда*
*ҳуштак чалар,*
*Гувиллайди ўтлоқлар.*
*Ялпизларнинг исин ялар*
*Потирлашиб япроқлар.*
*Ёлғиз дала кезган сари*
*Соғинаман лаб тотин...*
*Ана, Гул ва Асалари*
*Аллақачон эр-хотин.*

### БЎЛАЖАК ҚАЙНОНАГА ХАТ

*Боқар бўлса у гулгун,*
*Қалбим урар шўх ханда.*
*Қизингизни ўшанда*
*Ўпиб қўйинг мен учун.*
*Қиё боқмай узуккун*
*Аҳволимни қилса танг,*
*Аямасдан саваланг*
*Қизингизни мен учун.*

### ЭЪЛОН

*Менга дилкаш*
*сулув қиз даркор,*
*Хоҳи содда,*
*хоҳ бўлсин маккор.*
*Зарари йўқ*
*қилса кўп пардоз,*
*Тўпориқ юрса,*
*қайтам соз.*
*Сўз бермасин*
*мен-чун ўлгани,*
*Шеър ўқишни*
*билса бўлгани.*
*Хуллас, битта*
*шеърхон қиз керак...*
*Жоним, менга*
*худди Сиз керак!*

# КАСБИЛИК КУЛОЛЛАР





Халқимиз азал-азалдан санъатни, нафосатни эъзозлаб келган. Шунданми, улар орасида жаҳонга донғи кетган ҳунармандлар, ўймакор усталар, заргарлару каштадўзлар бўлган. Кулолчилик ҳам энг қадимги ва ноёб санъатлардан ҳисобланади. Уста кулолларимиз ясаган тандир, хум, кўза, офтоба ва бошқа рўзғор буюмлари бир-биридан мукаммаллиги, чиройлилиги, бетакрорлиги билан ажралиб туради. Бу санъат асарларининг халқаро кўргазмаларда совринли ўринларга сазовор бўлганликлари ҳам шундан.

Касби туманида ҳам кулолчиликни ота касб деб эъзозлаб келувчилар талайгина. Бу ерда кулоллар сулолаларининг ўзига хос бир неча асрлик тарихи мавжуд. Айни пайтда ёш йигит-қизлар орасида ҳам кулолчилик касбига қизиқувчилар талайгина

**СУРАТЛАРДА:** ***касбилик ёш кулол қиз Малоҳат Итолмасова; уста Бахтиёр Сатторов сопол ликопчаларни печда пиширишга ҳозирлаётгани тасвирланган.***

**Ш. ШАРОПОВ ( ЎзА) олган суратлар.**

Жаҳон чемпионатида

# ЭҲТИРОСНИНГ БАҲОСИ «2»!

**Футбол бўйича Франция майдонларида давом этаётган 16-жаҳон чемпионатининг яна икки учрашуви ўтказилди: Италия — Чили — 2:2, Камерун — Австрия — 1:1.**

Футбол ишқибозларининг хомаки тахминларига кўра, Италия — Чили терма командаларининг ўзаро баҳсида, европаликлар, яъни италянларнинг мавқеига ишонч катта эди. Бироқ, майдон текис, тўп — юмалоқ деганларидек, бунинг бутунлай акси бўлди. Учрашувда дастлаб Италия терма командаси ҳисобни очган бўлса-да, ўйиннинг зўри бевосита чилилик футболчилар томонидан намойиш этилди.

Тан олиш лозим, ушбу мамлакатнинг ички клублари дунёнинг ҳар қандай командаси билан бемалол баҳслаша олади. Аммо терма командага келганда бир қанча муаммолар юзага чиқади. Мураббий Чезари Малдини бу муаммолардан қутилиш учун бир қанча чора-тадбирларни қўллади. Барибир команданинг мавқеи илгаригидек ишончли ва мустаҳкам эмас. Қуйидаги рақамлар ҳам фикримизни юз фоиз исботлайди. Терма команда кейинги йиллар ичида жами 50 та учрашув ўтказди. Шундан 29 тасини ғалаба билан якунлади, холос. 11 марта дурангга эришган бўлса, 10 марта мағлубиятга учраган.

Жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинларида Италия терма командаси Европанинг иккинчи гуруҳида Англия, Польша, Грузия ҳамда Молдова футболчилари билан куч синашиб, саккиз учрашувнинг бештасида ғалаба қозонишган, уч учрашувда эса кучлар тенг келган. Италиялик футбол ишқибозлари ҳалигача терма командаси сафида Мишель Платини, Диего Марадона, Рууд Гулит, Лотари Маттеус сингари футбол юлдузлари чиқмаётганлигини афсус ва надоматлар билан эътироф этишмоқда.

Чили терма командасининг ўтказган дастлабки учрашуви тўғрисида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, уларнинг Жанубий Америка қитъасида ўзига хос ўрни бор. Команда ҳеч қачон ҳис-ҳаяжон, эҳтирос билан майдонга тушмайди. Футболда дадилликни намойиш этишга ҳаракат қилишади. Чунки улар фақат ақл ва идрок билан иш кўришга ўрганиб қолишган. Команданинг Салос, Самарано, Баррера, Маргас сингари юлдузлари бор. Чилиликлар жаҳон чемпионати бошлангунга қадар Тунис командаси билан ўтказилган ўртоқлик учрашувида 3:2 ҳисобида ғалаба қозонишган эди. Саралаш учрашувларида эса Аргентина, Парагвай, Эквадор, Уругвай, Боливия, Венесуэла терма командаларига қарши майдонга тушиб, 16 учрашувнинг 7 тасини ғалаба билан тугатишган. 4 бор дурангга эришиб, 5 марта мағлуб бўлишган. Команданинг ўтган куни италияликлар билан бўлган ўйинини сўзсиз энг мафтункор ва ҳужумкор учрашувлар сирасига киритиш мумкин. Команда дуранг натижага эришган бўлишидан қатъий назар, футбол ишқибозларининг катта ҳурматини қозонди.



Камерун—Австрия терма командаларининг учрашуви кучлар жиҳатдан тенг бўлди ҳисоб. Бироқ баъзи-баъзида Камерун футболчиларининг тактик ҳамда жисмоний жиҳатдан мукаммаллиги Австрия йигитларини бироз саросимага солиб қўйди. Энг қувончлиси шуки, ҳар иккала командада ҳам бундан олдинги жаҳон чемпионатларида қатнашиб, ҳурмат қозонган футболчилар яна ажойиб ўйин кўрсатишди. Омам Бийик ҳамда Тони Полстерлар ҳали ҳам қариб қолмаганлигини исбот этдилар. Учрашувда камерунликлар ғолиб чиқиши ҳам мумкин эди. Лекин охирги дақиқаларда уларнинг рақиби ҳам бўш келмади.

Камерун терма командасининг бош мураббийси Клод Ле Руа йигитларни чиниқтириш ва маълум бир хулосага келиш учун чемпионатга қадар иккита алоҳида ўртоқлик учрашувини ўтказди. Дастлаб Люксембург футболчиларини сафарда 2:0 натижа билан мағлуб этган бўлсалар, 27 май куни Европанинг энг кучли футболчилари йиғилган Голландия терма командаси билан дуранг ўйнади -(0:0). Австрияликлар ҳам ўртоқлик учрашувларида анча тобланишди. Улар 27 май куни ўз майдонида Тунис терма командасини қабул қилиб, 2:1 натижа билан ғолиб чиқишди.

Гапнинг қисқасини айтганда, бу икки учрашув ҳам Олтин маъбуда тақдирини ҳал қилувчи командаларнинг куч-қудрати, имконияти баланд эканлигини яна бир исботлади.

**Нормурод МУСОМОВ,**
**«Халқ сўзи» шарҳловчиси.**

**СУРАТДА: Италия терма командасининг собиқ ҳужумчиси Жанлуки Виалли.**

САНЪАТ

# ЁШЛАР НАМОЙИШ ЭТАДИ

Ана шундай деб номланган кўргазма Ўзбекистон Бадиий Академиясининг Марказий кўргазмалар залида очилди.

Эндигина талабалик йилларидан ўтиб, мустақил ижод қилишга қадам қўйганлардан тортиб, асарлари анча-мунча тилга тушиб қолган ёш мусаввирларнинг янги изланишларини ўз ичига олган ушбу кўргазма улар учун тасвирий санъат ихлосмандлари олдида ўзига хос имтиҳондир.

Ёшлар ижоди кенг қамровли, турли хил жанрларда. Айниқса, услубларнинг ранг-баранглиги, тасвирий оқимларнинг турличалиги диққатни жалб этади. Худди шу нуқтаи назардан қаралганда, К. Тўхлохуновнинг «Баҳор» ҳамда «Октябрь ойида» асарлари диққатга сазовор. «Баҳор»да тажрибали рассом Акмал Нуриддинов ижоди таъсири сезилади. «Октябрь ойида» эса кузнинг тўлғин, рангларга бой палласи тасвири, реал оламнинг шунчаки нусхаси бўлмай, ижодкор қалбининг ўзига хос ҳиссиётларидан чўғланиб туради.

Ёшлар ижодидаги алоҳида кўзга ташланган хусусият - катта олам жонланишларини, эврилишларини кузатишдир. А. Кимнинг «Тошдаги гул», «Ўчоқ» асарлари шундоққина ҳаётий унсурлар асосида яратилган. Метин тошлар орасидан нозиккина гулнинг униб чиққанлиги назокатли тасвирда фалсафий мушоҳадага йўғрилган ҳолда берилади.

Ҳаёт манзараларини аниқ бир мақсадга йўналтирилган ҳолда тасвирлаш Бахтиёр Обидов ижодига ҳам хос. Муаллиф «Лангар қишлоғи манзараси»да оддий лой сувоқ уйлар, тепалик ва замин рангларини шунчаки акс эттирмайди, уларда ёқимли сукунат ва тирикчилик тароналари бор. Бу хислатлар рассомнинг «Ургут келинлари», «От ўйин», «Сумалак» асарларида яна ҳам бўртиб кўринади.

Ушбу кўргазмада фаол иштирок этган У. Усмоновнинг ишларида ҳаёт манзаралари шахсий таассуротлар ва мушоҳада асосида қурилган. Бу хислат Т. Аҳмедовнинг «Кузатувчи», «Баҳор томонга қадамлар» асарларида ҳам кўринади.

А. Алиқуловнинг асарлари кўпроқ тарихийликка, жанг манзараларига бағишланган.

Ушбу кўргазмада янги, истеъдодли ҳайкалтарошлар кашф этилди, десак хато бўлмайди. Н. Усмоновнинг «Обкаш», «Бозордан қайтиш», «Имтиҳон», Р. Усмоновнинг «Сичқон», «Март», «Актёр» сингари асарлари фикримиз исботидир.

Кўргазмада либослар ва уларнинг композицион суратлари ҳам қўйилган. С. Муиновaнинг «Карнавал», «Буюк Турон» эскизлари, Б. Нодирнинг «Ўрта аср тарихий либослари» томошабинга завқ-шавқ бағишлайди.

Хуллас, ёш ижодкорларнинг ҳар икки йилда ўтказиладиган ушбу кўргазмаси ютуқ ва нуқсонлари билан уларнинг тўғри йўл танлаб олишларига катта ёрдам беради.

**Нодир НОРМАТ.**

ШИФОКОР МИНБАРИ

# ҚОН БОСИМИ НЕГА ОШАДИ

Қон босимининг ошиши (гипертония) юрак-томир тизимининг кўп тарқалган хасталикларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда инсониятни қаттиқ ташвишга солаётган бу хасталикни «Аср касали» деб аташмоқда. Чунки, бу хасталик ўз вақтида даволанмаса, асорат бериб бошқа дардларга олиб келади: кўзни хиралаштиради, қўл-оёқни фалаж қилади, тилдан қолдиради ва ҳоказо. Борди-ю асорат бермаган тақдирда ҳам, беморнинг ҳаёти доимо хавф остида бўлади. Бу дард билан ёшлар ҳам, қарилар ҳам бирдай оғриши мумкин.

Соғлом киши организмидаги қон томирлар кенгайиб-торайиш хусусиятига эга, шунинг учун у муҳитга мослашиб, ўртача мувозанатда туради. Баъзи кишиларнинг қон босими пастликка мойил бўлса, бошқаларники юқорироқ кўрсаткичларга эга. Олимларнинг кузатишича, агар турли таъсирлар натижасида томирларнинг кенгайиш ёки торайиш мувозанати бузилса ва бундай бузилиш бир оз муддат давом этса, артериал босимнинг кўтарилиши - гипертония (хафақон) касаллиги аломатлари пайдо бўлади.

Қон босимининг ошишида аввало марказий асаб фаолиятида тез-тез такрорланадиган руҳий кечинмалар муҳим ўрин тутади. Асабийлашиш, турли спиртли ичимликлар, тамаки чекиш, тўсатдан ҳаяжонланиш, бетартиб овқатланиш, кам ҳаракатланиш, иш режимининг бузилиши, зўриқиб ақлий ва жисмоний меҳнат қилиш, ўз вақтида дам олмаслик, уйқу ҳолатининг бузилиши, баъзи ички секреция безлари фаолиятининг меъёрдан чиқиши, юрак ва қон-томир касаллиги ва шу кабилар сабаб бўлади.

Шифокор олимларнинг фикрича, мўътадил артериал қон босими ўн олти ёшдан ўттиз ёшгача 120/75-130/80, ўттиз ёшдан ўттиз тўққиз ёшгача 130/90, қирқ ёшдан эллик тўққиз ёшгача 140/90, олтмиш ёшдан олтмиш тўққиз ёшгача 140/90-150/90 миллиметр симоб устунига тенг бўлади.

Қон босими хасталиги уч босқичга бўлинади. Биринчи босқичда беморнинг юрак соҳасида оғриқ сезилиб, бош оғриғи, бош айланиши, уйқусизлик, салга жаҳл чиқиши, терлаш, оёқ-қўлларнинг увишиши, қулоқ шанғиллаши каби ноxуш ҳолатлар безовта қилади. Бу босқичда артериал босим вақти-вақти билан кўтарилиб туради ва қулай шароитда тезда аслига тушади.

Иккинчи босқичда қон босими турғун ва доимий бўлиб қолади. Бош оғриғи зўрайиб, тез-тез тутиб туради, бош айланади, уйқуси бузилиб тез чарчайди, меҳнат қобилияти пасаяди, юрак сиқилиши ва юракни ғижимловчи оғриқдан, кўз атрофининг қоронғилашиши, қулоқ шанғиллаши ва бошқалар кузатилади.

Учинчи босқичда деярли барча орган ва тўқималарда склеротик ўзгаришлар бўлади. Айниқса юрак, буйрак ва бош мияда бу жараён жуда ривожланиб кетади. Қон босими кўрсаткичлари 200/130; 250/150 миллиметр симоб устунига тенг бўлади. Организмда қон айланиш жараёни бузилади, бош оғриғи зўрайиб, бош айланади, хотира пасаяди, буйраклар фаолияти бузилади. Бемор вақтида даволанмаса, ишга яроқсиз бўлиб қолади.

Гипертония касаллиги оғир ўтса, хусусан юрак ва буйракда асоратлар пайдо бўлса, ош тузи ва суюқлик чеклаб қўйиладиган парҳез буюрилади. Беморга кўпроқ ҳўл мевалар, сут ва сут маҳсулотларидан тайёрланган овқатлар, ёғсиз мол гўшти, сузма, сабзи, қовоқ, олча буюрилади. Истеъмол қилинадиган суюқлик миқдори суткасига 1-1,5 литрдан ошмаслиги керак. Бемор чекиш ва спиртли ичимликлар ичишдан ўзини тийиши лозим. Кечаси камида 8 соат ухлаши, кундузи ҳам 1-2 соат мизғиб олиши керак.

Ўз ҳаётини яхши ташкил қилган, жисмоний иш ёки бадантарбия билан мунтазам шуғулланувчи ва тўғри овқатланувчи одамлар бу касалликка дучор бўлишмайди. Энг муҳими — истеъмол қилинадиган овқатларнинг қувватини сарф қилиб туриш керак. Чунки, овқат қуввати кам сарфланиб, маълум қисми йилма-йил баданда тўпланиб бориши ҳам қон босими касаллигини келтириб чиқарадиган сабаблардан биридир.

**С. МУҲАММЕДОВ, доцент.**

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
*Парламент 133-57-34;*
*Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-07-94;*
*Иқтисодиёт 136-36-65;*
*Қишлоқ хўжалиги 136-37-85*
*Маънавият 136-35-60, 132-10-65;*
*Хатлар 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;*
*Халқаро ҳаёт 132-11-15;*
*Котибият 133-10-28;*
*Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 096. 34565 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — И. Худоёров.
Навбатчи — А. Жўраев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 *Босишга топширилди: 22.20* 1 2 3 4 5 6